

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди Чуст тумани ИИБ ВСХ биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Ж.Якубхўжаев, судья ёрдамчиси А.Нурматжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чуст тумани прокурори ёрдамчиси С.Қурбонова, судланувчи Р.Алиев, жабрланувчи С.Хаджаев, Д.Расулов, Р.Нурматов ва З.Эргашевларнинг иштирокида, Алиев Рахмонали Нуриллаевичга нисбатан 1-1611-2601/17-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Алиев Рахмонали Нуриллаевич (Aliyev Rahmonali Nurullayevich) 21.09.1976 йил куни Тўрақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам;

1) 24.12.1996 йилда жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди ҳукмига кўра, ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 27.09.2001 йилда 22.08.2001 йилдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

2) 21.01.2011 йилда жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) 15.03.2011 йилда жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасига асосан 2 йил

6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 59-моддаси 8-қисмига асосан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 04.08.2011 йилда жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди ажримига кўра ўталмай қолган

3 йил жазоси ЖК 46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 05.09.2012 йилда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 10 ой 29 кун жазоси ЖК 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 24.07.2013 йил куни жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди ажримига кўра ўталмай қолган 9 ой 27 кун жазоси ЖК

46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш



жазосига алмаштирилган, 21.08.2014 йилда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди ажримига кўра ўталмай қолган 9 ой жазосидан ЖК 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Тўрақўрғон тумани Туркистон МФЙ Оғалиқлар кўчаси 4-уйда яшайди, 21.09.2025 йил куни ЖПКнинг 221-моддасига асосан ушланган, 23.09.2025 йилда жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди ажримига кўра қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 13.01.2026 йил куни олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, тарафларнинг музокараси, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Алиев Рахмонали Нуриллаевич 2025 йил 24 август куни соат 00:20лар чамасида, Чуст тумани Янги Боғишамол МФЙда жойлашган фуқаро Хаджиев Собир Самиевичга тегишли бўлган савдо дўкони олдига келиб, савдо дўконидан спиртли ичимлик олиб ичиш мақсадида савдо дўкони эшигини тош билан синдириб, дўконга ғайриқонуний равишда кириб, дўконда спиртли ичимлик мавжуд бўлмаганлиги сабабли, дўкондан қайтиб чиқиб кетиб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмасдан, суиқасд қилган.

Бундан ташқари, Р.Алиев ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2025 йил 14 сентябрь куни соат 07:00ларда, Чуст тумани марказида жойлашган дехқон бозорига келиб, бозор ҳудудида жойлашган фуқаро Нурматов Рахимжон Хакимовичга тегишли савдо дўконидан сотувчи бошқа мижозлар билан савдолашиб турганлигидан фойдаланиб, бозор нархи 1.000.000 сўмлик икки дона дазмол столи, икки дона кийим илгич ва бир дона оёқ кийим қўйгичларни ўғирлаб олиб



кетиб, бозор ҳудудидаги нотаниш одамга қараб туришини айтиб топшириб, сўнг, яна қайтиб келиб, Р.Нурматов бошқа миждозлар билан савдолашиб турганлигидан фойдаланиб, бозор нархи 400.000 сўмлик бир дона дазмол қилиш столини ўғирлаб олиб кетаётган вақтда, дўкон эгаси Р.Нурматов томонидан ушлаб олиниши оқибатида, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торж қилиш жиноятини охирига етказа олмасдан суиқасд қилган.

Бундан ташқари, Р.Алиев ўзининг жинойий хатти-ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2025 йил 14 сентябрь куни Чуст тумани дехқон бозорига келиб, дехқон бозори пастки томонидаги кўча ичида бўлган фуқаро Расулов Достон Рустамжон ўғлига тегишли “Нексия” русумли 50L014NA давлат рақам белгили автомашина эшиклари очик холатда қолдириб кетилганидан фойдаланиб, автомашина салонидаги бир дона бозор нархи 150 АҚШ доллари бўлган магнитофон ва бир дона бозор нархи 1.500.000 сўм бўлган “Redmi Not 11” русумли телефон апаратини ўғирлаб олиб кетиб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилган.

Бундан ташқари, Р.Алиев ўзининг жинойий хатти-ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2025 йил 16 сентябрь куни Чуст тумани марказида жойлашган дехқон бозорига келиб, бозордаги савдо дўкони ташқарисида бўлган фуқаро Эргашев Зафаржон Тўхтабоевичга тегишли бир дона бозор нархи 500.000 сўмлик болалар велосепедини ўғирлаб олиб кетиб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи Р.Алиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у бир неча йиллардан бери спиртли ичимлик ичгани учун ичишга ўрганиб қолганини, 2025 йил 24 август куни соат тахминан 19-00лар чамасида Тўрақўрғон туманидан Чуст туманига йўловчи “Дамас” русумли автомашинада келганини, Чуст тумани марказида ошхонага кириб, бир шиша ароқ ичганини, соат тахминан 22-30лар чамасида, Чуст тумани Янги Боғишамол МФЙда жойлашган тез ёрдам шифохонаси томонга чиқиб бориб, бироз вақт айланиб юриб, ТТБдан бироз пастки томонда жойлашган йўлнинг ўнг томон четидаги савдо дўкони олдида борганини, сўнг савдо дўконидан спиртли ичимлик ичиш учун савдо дўкони эшиги берклигини кўриб, савдо дўкони эшигини ўша ерда турган тош билан уриб очганини ва дўкон ичига кириб, дўкондан спиртли ичимлик топа олмасдан, чанқагани сабабли бир дона сув олиб ичиб, яна ташқарига чиқиб кетганини, сўнг пиёда



пастга қараб бироз вақт йўл юрганини ва йўловчи автомашинада ортига қайтиб, Тўрақўрғон туманига кетганини, бундан ташқари, у яна 2025 йил 14 сентябрь куни соат тахминан 07-40лар чамасида, яшаш хонадонидан чиқиб, Чуст туманига келганини, хафатанинг якшанба куни бўлганлиги сабабли, Чуст туманидаги бозорга бориб, бозордаги уй жихозлари савдо длкни олдига борганини, ушбу савдо дўконидан сотувчи чалғиб қолганлиги сабабли, бир дона оёқ кийим ва кийим илишга мослашган гардиropни ўғираб олиб кетганини, ушбу товарни бозорнинг орқа томонига олиб ўтиб, нотаниш бўлган сотувчига жами 60.000 сўмга сотиб юборганини, сўнг бозорга қарама-қарши томонида бўлган шашликхонага кириб, бир шиша ароқ ичганини ва яна ўша савдо дўконига қайтиб келганини, савдо дўконидан яна бир дона кийим дазмол қилгични олиб кетаётган вақтда, дўкон сотувчиси ушлаб олганлигини, бундан ташқари у 2025 йил 14 сентябрь куни Чуст тумани дехқон бозори олд томонига ўтиб, Чуст истироҳат боғига тушиб кетиш йўли томондан довондан бироз пастга тушганини, сўнг ўнг томонда бўлган кўча ичига кириб, бироз ичкарига кирилганида йўлнинг чап томонида оқ рангли, “нексия” русумли автомашина турганлигини кўрганини, у ушбу автомашина олдига бориб, автомашина эшиклари очиқ холатда бўлганлиги сабабли, дастлаб автомашина ўнг томон олд эшигини очиб, пул қидирганини, пул топа олмагач автомашина олд томонида жойлашган магнитофонини кўли билан юлиб олиб, автомашина эшигини яна беркитиб, магнитофонни ўзи билан олиб кетганини, у ўша вақтда маст бўлгани сабабли, ўзи билан олиб кетган магнитофонни қаерда қолдирганини эслай олмаслигини, бундан ташқари у 2025 йил 16 сентябрь куни Чуст тумани марказига келганини, ва ўша ерда жойлашган савдо дўкони олдига сотиш учун қўйиб қўйилган бир дона болалар велосепедини ўғиралб ўзи билан бирга Тўрақўрғон туманига олиб кетганини, орадан бир кун ўтиб уни яшаш хонадонига туман ИИБ ходимлари келишганида, ўғирлаб келган велосепедни қайтариб берганини, ҳозирда етказилган зарарни қоплашга имконияти йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний енгилик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.Ходжаев суд мажлисида, у Чуст тумани Янги Боғишамол махалласида савдо дўкони бўлиб, дўконда озиқ-овқат махсулотлари сотиш билан шуғулланиб келишини, 2025 йил 24 август куни соат тахминан 22-30ларида савдо



дўкони эшикларини беркитиб, яшаш хонадонига кетганини, эртаси куни соат тахминан 06-00ларда савдо дўконига борганида, дўкон кириш эшиги ойнаси синганлиги, эшик очиклигини кўриб, дархол туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, савдо дўконидан ҳеч нарса йўқолмаганлигини билганини, кейинчалик ушбу жинойтни Р.Алиев содир этганлигини суриштирув вақтида билганини, лекин бу унга ишонмаслигини маълум қилиб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Р.Нурматов суд мажлисида, у 2025 йил 16 сентябрь куни соат тахминан 07-40лар чамасида, Чуст туман марказида жойлашган савдо дўкони олдига товарларни ёйиб қўйиб, савдо ишлари билан банд бўлганини, бироз вақт этиб савдо дўконидаги ходим телефон қилиб, дўконига ўғри тушганлигини, ўғрини ушлаб турганлигини баён қилганини, у етиб борганида бир маст ҳолатдаги кейинчалик танигани Р.Алиевни кўрганини, Р.Алиев кўлида дўконида бўлган кардиопни олиб чиқиб кетаётган вақтида қўлга тушиб қолган бўлганини, Р.Алиев уни савдо дўконидан икки дона дазмол патстафкаси, тўрт дона гардиловларни ўғирлаб олиб чиқиб кетган бўлганини, сўнг у ИИБдан бир дона сушилка ва бир дона гардиопни қайтариб олганини, унга етказилган зарар қопланганини, судланувчига даъвоси йўқлигини маълум қилиб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи З.Эргашев суд мажлисида, 2025 йил 16 сентябрь куни соат тахминан 07-10ларда, у яшаш хонадонидан Чуст тумани марказида жойлашган савдо дўкони олдига болалар велосепедларини сотиш учун олиб чиқиб қўйганини, соат тахминан 13-15лар чамасида, овқатланиб савдо дўконига қайтиб келганида бир дона бозор нархи 500.000 сўм бўлган болалар велосепеди йўқлигини кўрганини, сўнг ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ИИБ ходимлари унга ўғирлаб кетилган бир дона велосепедни олиб келиб берганларини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д.Расулов суд мажлисида, у 2025 йил 14 сентябрь куни соат 08-40ларда ўзимга тегишли бўлган “Нексия-2” русумли автомашинада Чуст тумани марказига бориб, автомашинасини Чуст тумани Истироҳат боғи томонга тушиб кетишда бўлган ўнг томондаги кўча ичига қўйганини ва дехқон бозорига бозорлик қилиш учун кириб кетганини, орадан бироз вақт ўтиб соат 09-20ларда автомашинаси олдига келганида автомашина эшиклари очик ҳолатда турганлигини кўриб, автомашина салонига қараганида, салонга ўрнатилган магнитофон ва орқа салонига қолдириб



кетилган ўзига тегишли “Redmi 10” русумли телефон аппарати йўқлигини билганини, сўнг дархол 102 қисқа рақамига ариза билан мурожаат қилганини, туман ИИБ ходимлари келиб, автомашинасини кўздан кечириб, ундан тушунтириш хати олишганини, кейинчалик ушбу ўғирликни Р.Алиев содир этганлиги аён бўлганини, у етказилган зарардан ихтиёрий воз кечишини, судланучига даъвоси йўқлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Қаххаров суд мажлисида у Чуст тумани ИИБда тезкор вакил бўлиб ишлашини, мазкур ўғирлик жинояти иши бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини у ва бошқалар олиб борганини, терговга қадар текширувда, Р.Алиев Чуст тумани марказидаги бозорда содир этган ўғирлик жинояти бўйича гумон қилиниб, у билан суҳбатлашилганида, Р.Алиев 2025 йил 24 август куни соат тахминан

22-30ларда, Чуст тумани Янги Боғишамол МФЙда ҳудудидаги фуқаро С.Хаджаевга тегишли савдо дўконидан ароқ ўғирлаш мақсадида дўкон ойнасини синдириб, дўкон ичига кирганлиги, лекин ароқ ичимлиги топилмагач, бир дона сув олиб, ичиб, қайтиб кетганлигини маълум қилганлиги учун, Р.Алиевдан ушбу ҳақида тушунтириш хатлари олинди, иш ҳужжатлари дастлабки терговга оширилганини, Р.Алиевга бирон-бир жисмоний ёки руҳий тайзиқ ўтказилмаганлигини маълум қилиб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Р.Алиевнинг мазкур жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви, судда тарфларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган жиноят ишдаги 25.08.2025 йилдаги, 14.09.2025 йилдаги, 19.09.2025 йилдаги ва 19.09.2025 йилдаги воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган фотоилловалар, 19.09.2025 йилдаги ва 19.09.2025 йилдаги нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси, ўз айбига иқроорлик аризаси, Наманган вилоят ИИБ ЭКБнинг воқеа жойларидан олинган бармоқ излари судланувчи Р.Алиевнинг бармоқ излари билан мос келиши тўғрисидаги 05.09.2025 йилдаги 21/1871-сонли ва 19.09.2025 йилдаги 21/1921-сонли маълумотномалари, ашёвий далил деб топилган нарсаларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 88,90,92,94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ деб ҳисоблаб, аниқланган барча далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи Р.Алиевнинг жиноий хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, унинг ўғирлик, яъни такроран ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишга сиқасд қилиш ва такроран ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг бешинчи қисмида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида эса, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3 ва 37-бандларида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига



қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Р.Алиевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, етказилган зарар қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Алиевга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, қайд қилинган қонун талаби ва Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини, оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини, жиноят



содир этгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини эътиборга олиб, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлар билан бирга, жиноят натижасида қўлга киритилган мулк қийматини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 169-моддасининг 3-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

- унга тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

- жазо муддатини у ушланган кун, яъни 2025 йил 21 сентябрь кунидан ҳисоблашни ва ЖКнинг 50-моддасига асосан умумий тартибли колонияларда ўтатиришни;

- қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд, етказилган зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб топилган 1 дона болалар велосипеди жабрланувчи З.Эргашевга ва 2 дона кийим илгичлар жабрланувчи Р.Нурматовга дастлабки терговда қонуний эгаларига тилхат асосида топширилиб етказилган зарар қопланганлиги, жабрланувчи С.Ходжаевга зарар етмаганлиги, жабрланувчи Д.Расулов етказилган моддий зарардан ихтиёрий воз кечганлиги эътиборга олишни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Алиев Рахмонали Нуриллаевич (Aliyev Rahmonali Nurullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Р.Алиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан Книнг 57-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3



йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Р.Алиевга тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан қисман қўшиб, узил-кесил 3 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо муддати 2025 йил 21 сентябрь кундан ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Р.Алиевга қўлланилган қамокқа олиш эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қодирилсин.

Ашёвий далил деб топилган 1 дона болалар велосипеди жабрланувчи З.Эргашевга ва 2 дона кийим илгичлар жабрланувчи Р.Нурматовга дастлабки терговда тилхат асосида топширилиб етказилган зарар қопланганлиги, жабрланувчи С.Ходжаевга зарар етмаганлиги, жабрланувчи Д.Расулов етказилган моддий зарардан ихтиёрий воз кечганлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали, Наманган вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи: (имзо)
Ж.Якубхўжаев

Аслига тўғри
Суд раиси:

Ж.Якубхўжаев

Маъсул судья: Якубхўжаев Жаҳонгир Умархўжаевич

